

ҲАР БИР ЙИҒИННИНГ ЭНЕРГЕТИКА ПАСПОРТИ БЎЛАДИ

2-с.

ИККИ МАҲАЛЛА — БИР ФАОЛ: МИҚДОР МУҲИММИ ЁКИ СИФАТ?

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№64 (2392)

2026 ЙИЛ 12 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Mahalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 ИЛ — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ИЛИ”

МАҲАЛЛА ИЛМИ — МИЛЛИЙ ЎЗЛИК, ИЛМИЙ ТАФАККУР ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ УЙҒУНЛИГИ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ВА МЕҲР МУҲИТИ

Жойларда “Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги” доирасида тозалик тадбирлари, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш ишлари давом этаётир.



Ойлик доирасида **Қўқон шаҳрининг Муқимий номидаги маҳалласида** йиғин биноси давлат-хусусий шериклик асосида барпо этиляпти. Шунингдек, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратишга эътибор қаратилган. Кўчалар, катта йўл ёқалари ва ички йўллар, ариқ-зовурлар, қабристон ва муқаддас қадамжолар, жамоат жойлари, аҳоли хонадонлари ҳамда муассасалар тартибга келтириляпти.

Каттақўрғон туманидаги “Полвонтепа” маҳалласида ҳам “Долзарб 40 кун” тадбирлари доирасида қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари давом этяпти. Ҳудудда замонавий маҳалла маркази биноси қад ростлаяпти. Янги бино маҳалла фуқароларига янада қулай ва сифатли хизмат кўрсатиш, фуқаролар йиғинини фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Қўрғонтепа тумани маҳаллаларида ҳам ойлик муносабати билан кенг қамровли ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Жараёнда “Қўтқар” ҳамда “Нурли ёғду” йиғинларида “намунали”, деб топилган хонадонларда семинарлар ўтказилди. Томорқадан самарали фойдаланиш, қўшимча даромад манбаларини яратиш борасида фикр-мулоҳазалар алмашилди.

НИГОҲ



Маҳалла ҳақида мамлакатимизда жуда кўп гапирилади. Унинг аҳамияти, жамият ҳаётидаги ўрни, аҳоли муаммоларини ҳал этишдаги роли ҳақида қарорлар қабул қилинди, вазифалар белгилаб берилди, янги тартиблар жорий этилди. Аммо бир савол ҳали етарлича қўйилмаган эди: биз маҳаллани ислоҳ қиляпмиз, лекин маҳалла ислоҳотларини ким илмий жиҳатдан ўрганяпти?

Давоми 2-саҳифада.

Мавжуд маълумотга кўра, шу вақтгача мамлакатимизда тадқиқ этилган **20 мингга яқин илмий ишнинг атиги 10 тасида маҳаллага алоқадор** айрим масалалар ўрганилган. **Бу — тизимдаги жиддий илмий бўшлиқнинг кўрсаткичи.** Бошқача айтганда, биз маҳаллага жуда катта ижтимоий ва бошқарув вазифаларини юклаяпмиз, аммо унинг ўзи қандай ишлаши, қайси тизимлар самара бериши, қайси ёндашувлар ишламаслиги, маҳалла ходими қандай компетенцияга эга бўлиши кераклиги ҳақидаги илмий билим базаси бу юкка мутаносиб эмас.

Шу нуқтаи назардан 2026 йилги Давлат дастурига асосан, **Маҳаллани ривожлантириш миллий институти**ни ташкил этиш ғояси оддий янги муассаса тузиш ташаббуси эмас. Аслида, бу — **маҳалла сиёсатида “тадқиқот — таҳлил — тажриба — қарор — натижа” занжирига ўтиш зарурати**дан туғилаётган эҳтиёждир. Янги институт маҳалла тизимидаги ислоҳотларни илмий таҳлил қилиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш, “еттилик” фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИДАГИ МАҲАЛЛА

“ЯНГИ ҚУВА” — ЯНГИ ҲАЁТ МАНЗИЛИ, ИНТИЛИШ ВА ИШОНЧ МАСКАНИ

Маҳалладаги ўзгариш, аввало, одамнинг ҳаётида, кайфиятида ва эртанги кунга бўлган ишончида намоён бўлади. Бугун “Янги Қува” маҳалласида ана шундай ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.



Олдинлари бу ҳудудни **Қақир қишлоғи, деб атардик. Бугун эса бу ерда “Янги Қува” номи билан янги бир маҳалла, янги муҳит, янги турмуш тарзи шаклланмоқда.** Бир қарашдаёқ ўзгаришлар кўзга ташланади. “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” дастури доирасида маҳаллага илк бор оқар сув олиб келинди. 7 километр ичимлик сув тармоғи тортилди. Йўллар тартибга келтирилиб, ёритиш тизими яхшиланди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 30 дан ортиқ тижорат дўконлари ва хизмат кўрсатиш биноларининг қиёфаси замон талаблари асосида янгиланди.

Давоми 2-саҳифада.

5 ЎЗ УЙИДА РЎЙХАТДА ТУРИШ НЕГА МУАММО БЎЛИШИ КЕРАК?



6 УМИД ВА ИШОНЧ — ТАҚДИР ЭШИКЛАРИДА УЙҒОНГАН ИЛК ТУЙҒУЛАР



7 “БИР КУНЛИК ЭМАС, ДОИМИЙ ДАРОМАД ИЗЛАГАНДИМ...”

МУЛОҲАЗА

РАИСГА БЕСАБАБ “ТОШ” ОТМАНГ!

Ютуқлар, оммалаштирадиган тажрибалар жуда кўп. Аммо аччиқ бир савол кўндаланг бўлаверади. Нега жамиятда оз бўлса-да, маҳалла ҳақида ҳамон эскича, салбий қараш сақланиб қоляпти? Нега айрим фикр эгалари шунча ишларни кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олмоқда?

3





2026 йил якунига қадар 1 500 ТА МАҲАЛЛА БИНОЛАРИГА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ўрнатилади.



2016 йилнинг декабридан ҳозирги кунга қадар 25 минг 339 нафар фуқаролиги бўлмаган шахс ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда “Ижтимоий фикр” маркази МАҲАЛЛАЛАРДА ОНЛАЙН СОЦИОЛОГИК СЎРОВ ўтказади.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

МАҲАЛЛА ИЛМИ — МИЛЛИЙ ЎЗЛИК, ИЛМИЙ ТАФАККУР ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

ВАЗИФАЛАР КЎПАЙДИ, БИЛИМГА ТАЛАБ-ЧИ?

Бугунги маҳалла аввалги маҳалла эмас. “Маҳалла еттилиги” шаклланганидан кейин у бандлик, ижтимоий ҳимоя, ёшлар, хотин-қизлар, тадбиркорлик, профилактика ва бошқа кўплаб йўналишлар кесишадиган бошқарув нуқтасига айланди.

Демак, маҳалла ходимидан энди фақат одамлар билан ишлаш эмас, балки **муаммони таҳлил қилиш, маълумотлар билан ишлаш, ресурсларни мувофиқлаштириш, ижтимоий лойиҳаларни бошқариш ва натижани баҳолаш** каби профессионал кўникмалар ҳам талаб этилмоқда. Бу эса бошқа даражадаги касбий тайёргарликни талаб қилади.

Шу ерда асосий муаммо пайдо бўлади: **вазифа профессионаллашяпти, лекин касбга тайёрлаш ва доимий ривожлантириш тизими ҳам худди шу суръатда юксаляптими?** Миллий институтнинг эҳтиёжи айнан шу нуқтада намоён бўлади.

Бироқ институтни фақат **“маҳалла ходимларини ўқитадиган жой”** сифатида кўриш хато. Унинг биринчи вазифаси — **маҳалла ҳақида билим бериш** бўлиши керак. Масалан, нега бир маҳаллада бандлик дастури ишлайди, бошқасида эса йўқ? Нега айрим “еттилик”лар жамоа сифатида самарали фаолият юритади, бошқалари эса алоҳида-алоҳида ҳаракат қилади? Қайси ижтимоий лойиҳа ҳақиқий натижа беради? Қайси усулни бошқа ҳудудга кўчириш мумкин?

Бундай саволларга шахсий тажриба эмас, **тадқиқот, маълумот ва таҳлил асосида** жавоб берилиши зарур.

“ЕТТИЛИК” — ЕТТИТА ЛАВОЗИМ ЭМАС, БИТТА ЖАМОА!

“Маҳалла еттилиги”нинг самарадорлиги унинг аъзолари сони билан эмас, биргаликда қарор қабул қила олиши билан белгиланади.

Чунки маҳалладаги муаммолар бир-бирига уйғун. Ишсиз ёш масаласи — фақат ёшлар масаласи эмас; у таълим, касб, даромад ва тадбиркорлик билан боғлиқ. Оилавий муаммо ҳам фақат битта соҳанинг вазифаси эмас. Камбағалликни эса фақат моддий ёрдам билан бартараф этиб бўлмайди.

Шу боис институтнинг вазифаси “еттилик”ни ўқитишдан кўра кенгроқ: **уларни биргаликда қарор қабул қиладиган, маълумот алмашадиган ва натижа учун жамоавий жавобгарликни ҳис қиладиган профессионал жамоага айлантириш методологиясини ишлаб чиқиш.**

НЕГА АЙНАН ТЎРТ МУТАХАССИСЛИК...

Миллий институтда таклиф этилаётган “Маҳалла бошқаруви”, “Ҳудудий режалаштириш ва ривожланиш”, “Лидерлик ва барқарор ривожланиш”, “Ижтимоий лойиҳаларни бошқариш ва мувофиқлаштириш” мутахассисликлари тасодифий танлов эмас. Улар маҳалла бошқарувининг тўрт муҳим эҳтиёжини қамраб олади.

“Маҳалла бошқаруви” — маҳалла раиси ва раҳбар кадрларига керак. Чунки лавозимнинг ўзи профессионал бошқарувчи бўлишни англатмайди. Замонавий маҳалла раҳбари устувор вазифани белгилаши, маълумот асосида қарор қабул қилиши ва идоралараро ҳамкорликни ташкил эта олиши керак. Асосий мезон эса “кўп иш қилиш” эмас, натижага эришиш бўлиши лозим.



“Ҳудудий режалаштириш ва ривожланиш” маҳалладаги муаммоларни олдиндан кўра билиш учун зарур. Ишсизлик, миграция, демографик ўзгариш ёки инфратузилма муаммолари кўпинча бир кунда пайдо бўлмайди. Уларнинг белгилари олдиндан кўринади. Маҳалла мутахассиси ана шу маълумотларни таҳлил қилиб, ҳудуднинг эртанги эҳтиёжини белгилай олиши керак.

“Лидерлик ва барқарор ривожланиш” “еттилик”да турли соҳалар вакилларини бир мақсад атрофида бирлаштириш учун керак. Лидерлик — топшириқ бериш эмас, манфаатларни мувофиқлаштириш. Барқарор ривожланиш эса бугунги муаммони вақтинча ёпиш эмас, унинг қайта пайдо бўлиш сабабларини бартараф этишни англатади.

“Ижтимоий лойиҳаларни бошқариш ва мувофиқлаштириш” эса маҳалладаги фаолиятни тадбирбозликдан натижага ўтказиши керак. Масалан, 50 нафар ишсиз фуқарони ўқитишнинг ўзи натижа эмас. Улардан қанчаси ишга жойлашди, қанчаси барқарор даромадга эга бўлди — ҳақиқий натижа шу.

Режага кўра, ҳар йили 21 минг нафар маҳалла тизими ва “еттилик” аъзолари **магистратура босқичида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда — бир йиллик, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда — икки йиллик тартибда ўқитилади.** Институт фаолияти катта илмий салоҳиятга эга Давлат бошқаруви академияси билан боғлиқ ҳолда йўлга қўйилади.

Аслида, бизга фақат институт эмас, “маҳалла илми” керак. Маҳалла бошқаруви, ҳудудий ривожланиш, ижтимоий сиёсат, камбағалликнинг ҳудудий омиллари, ёшлар билан ишлаш, ижтимоий лойиҳалар самарадорлиги каби йўналишларда тизимли илмий мактаб шаклланиши лозим.

Шу маънода Маҳаллани ривожлантириш миллий институтининг вазифаси яна бир ташкилот ёки яна бир ўқув марказини барпо этишдан анча кенг. **У маҳалла ходимини “вазифа ижрочиси”дан профессионал ҳудуд мутахассисига айлантириши, маҳалладаги тажрибани илмий билимга, илмий билимни эса самарали бошқарув қарорларига уйғунлаштириши керак.** Агар шу мақсад амалга ошса, институт маҳалла ислоҳотларининг интеллектуал таянчига айланади.

Санжар ИСМАТОВ.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИДАГИ МАҲАЛЛА

“ЯНГИ ҚУВА” — ЯНГИ ҲАЁТ МАНЗИЛИ, ИНТИЛИШ ВА ИШОНЧ МАСКАНИ



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Қобилжон ЮНУСОВ,
Қува туманидаги
“Янги Қува” маҳалласи раиси.

Бугун маҳаллага кириб келган киши бу ердаги ўзгаришларни кўриб, кечаги ҳудуд билан бугунги қиёфани беихтиёр қиёслайди. Чунки гап фақат янги йўл ёки янги бино ҳақида эмас. Гап инсоннинг кундалик ҳаёти енгиллашаётгани, хизматлар яқинлашаётгани, яшаш шароити яхшиланаётгани ҳақидадир...

Маҳалламизда кўп қаватли уйлар, болалар учун спорт майдончалари, замонавий мактаб, томоша заллари, “IT-парк”, ишлаб чиқариш корхоналари каби объектларнинг барпо этилгани алоҳида аҳамиятга эга. Буларнинг ҳар бири ёш авлоднинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши ва ўз иқтидорини намоён этиши учун янги имконият демакдир.

Президентимиз “Ўзгаришларни, аввало, маҳалладан бошлаш керак”, дея кўп бора таъкидлайди. Бугун биз бу фикрнинг амалий ифодасини ўз маҳалламиз мисолида кўриб турибмиз.

Қиёслаб кўрсангиз, қисқа вақт ичида битта маҳаллада бундай кўламдаги ишларни амалга ошириш осон эмас. Бунинг ортида катта эътибор, меҳнат, масъулият ва, энг муҳими, инсон манфаатига қаратилган ёндашув бор.

Шу ўринда бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Давлатимиз раҳбари раислигида 16 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида айнан бизнинг маҳалла мисолида аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича янги тартиб кўрсатиб ўтилди.

Унга кўра, **маҳалла раиси томорқада гул кўчатига ихтисослашган енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун маҳалла банкирига буюртма беради.** Шу асосда 4 нафар агротехникумни битирган ва хонадонида 10 сотихдан томорқаси бор ишсиз фуқарони банд қилдик. Қолган ишсиз аҳоли бўйича ҳам **ким тадбиркор бўлмоқчи, қайси оила даромадини оширмоқчи, кимга кредит, ускуна ёки ер керакligини аниқлаб, банкир олдига аниқ вазифаларни қўйдик.** Маҳалламизда айни тамойил асосида мавжуд 51 нафар ишсиз шахснинг барчаси даромадли меҳнатга жалб қилинди.



Яна бир масала — маҳаллада боғча етишмаслиги сабаб 50 нафар бола қўшни маҳаллага қатнайди, ҳудудда эса 70 сотих бўш ер бор. Бироқ маҳалла раиси сифатида бўш ерни аукционга чиқариш ваколатимиз йўқ эди. Юқоридаги йиғилишда айни жиҳатлар ҳисобга олиниб, **маҳаллаларда хусусий боғча, мактаб, клиника ва спорт иншоотлари қуриш учун ерни аукционга чиқариш ваколати ҳам маҳалла раисларига берилди.** Аслида ҳам, маҳалла раиси ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, тозаликни таъминлаш ва даромадни кўпайтиришга хизмат қиладиган лойиҳаларда ташаббускор бўлиши зарур.

Мен маҳалла раиси сифатида бир нарсага алоҳида ишонч ҳосил қилдим: одамларга шароит яратилса, уларда ташаббус пайдо бўлади. Ташаббус бўлса, оилалар фаровонлиги ошади. Оилалар фаровон бўлса, маҳалла ҳам тараққий этади.

Шунинг учун бугунги ободликни фақат қурилишлар билан баҳоламаслик керак. Унинг ҳақиқий самараси — одамларнинг кўзидаги мамнуният, оилалардаги хотиржамлик, ёшларнинг келажакка бўлган ишончи ва маҳалла аҳолисининг ўз ҳудуди тақдирига дахлдорлик ҳиссида намоён бўлади. Бугун “Янги Қува”да ана шу кайфият бор.

“Янги Қува”, бу — янги ҳаётга интилиш, янги имкониятларга ишонч ва янги Ўзбекистоннинг маҳалладаги қиёфасидир.

ЖАРАЁН

ҲАР БИР ЙИҒИННИНГ ЭНЕРГЕТИКА ПАСПОРТИ БЎЛАДИ

Мамлакатимиздаги 8 992 та маҳалланинг барча зарур маълумотларини ўзида мужассам этган энергетика паспорти шакллантирилади.

Энергетика вазири Шерзод Хўжаевнинг маълум қилишича, паспортда маҳалладаги истеъмолчилар сони ва уларнинг тоифалари, электр энергияси ва табиий газ инфратузилмасининг мавжуд ҳолати, уни таъмирлаш ва модернизация қилиш учун зарур маблағ ҳамда вақт, янги истеъмолчиларни тармоққа улаш имкониятлари каби муҳим маълумотлар акс эттирилади. Агар мавжуд қувват янги истеъмолчилар эҳтиёжини қоплаш учун етарли бўлмаса, инфратузилмани қайси йўналишларда ривожлантириш ва қувватини ошириш лозимлиги ҳам аниқ белгилаб берилади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

Шунингдек, электр ва газ таъминоти билан боғлиқ ишларни **“туманбай”** ва **“маҳаллабай”** ташкил этиш бўйича янги тизим яратилади. Бу орқали **қайси маҳаллада тармоқ, трансформатор ёки газ тақсимлаш қурилмасини янгилаш зарурлиги аниқ кўринади.** Янгийўл туманидаги **51 та маҳалла мисолида** аҳоли ва тадбиркорларнинг электр ҳамда газга бўлган ойлик, чораклик ва йиллик эҳтиёжи тўлиқ ўрганилади.

Ҳозир табиий газ етказиб бериш қийин бўлган 1 916 та маҳалла мавжуд. Ушбу маҳаллалардаги иситиш тизимини электрга ўтказиш учун қанча инфратузилма ва қўшимча электр энергияси талаб этилиши ҳисоб-китоб қилинади. Биринчи навбатда молиялаштириш талаб этиладиган маҳаллалар бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилади.



Бугунги кунда **3 миллион 700 минг хонадон** суюлтирилган газдан фойдаланади. Бироқ газни ўз вақтида етказиш муаммоси тўлиқ ҳал этилмаган. Шу боис суюлтирилган газ етказиб беришга хусусий сектор жалб этилади.



Жорий йил Андижон вилоятида ҳоким ёрдамчилари кўмагида 1 841 нафар ишсиз фуқаро ВАУЧЕР АСОСИДА КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИЛДИ.



Наманган вилоятида қиймати 4 миллион долларга тенг “Кушон” кичик саноат ҳудудининг биринчи босқичи якунланди. 40 ТА ЯНГИ ДОИМИЙ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ.



Ўзбекистон туманидаги “Қайнар” маҳалласида АВТОМОБИЛЛАР УЧУН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ йўлга қўйилди.

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!



МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ



НОМИГА МУНОСИБ МАҲАЛЛА:

МАЛИНАЧИЛИКДАН МИЛЛИОНЕРГА АЙЛАНИШ МУМКИНМИ?

Томорқасидан унумли фойдаланиб, ердан даромад топаётган омилкор юртдошларимиз ҳақида кўп эшитамиз. Лекин бу — шунчаки омад ёки тасодиф эмас, балки тўғри танланган иқтисодий ишбилармонлик натижасидир. Маҳалламиздаги ютуқлар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Санобархон АКБАРОВА,
Қувасой шаҳридаги “Боғбон” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Ўрганишларга кўра, ҳудуднинг иқтисодий “ўсиш нуқтаси”ни тўғри аниқлаб, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида малина етиштиришни йўлга қўйдик. Натижада сердаромад соҳа ортидан юзлаб оилалар фаровонликка эришиб, ҳақиқий мулкдорлар сафи шаклланмоқда. Ташаббус шунчаки таваккалдан бошланмади. Ишни илмий ва иқтисодий ҳисоб-китоб асосида ҳаётга татбиқ этдик. Дастлаб малиначилик билан атиги 128 та хонадон шуғулланар эди. Ҳар бирига кириб, малина етиштиришнинг фойдасини тушунтирдик. Қисқа вақт ичида малиначи хонадонлар сони 450 тадан ошди. Лойиҳани янада кенгайтириш мақсадида “Sweet Raspberry Garden” кооперациясини ташкил этдик. Унга 100 дан ортиқ хонадонни қамраб олдик. Молиявий кўмак сифатида 3 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Бугун “Боғбон”нинг сифатли малиналари нафақат юртимиз бозорларига, балки қўшни Қирғизистон Республикасининг йирик савдо нуқталарига ҳам мунтазам экспорт қилиняпти. Энг қувонарли жиҳати, бу меҳнат одамларимиз ҳаётини тубдан ўзгартирмоқда.

Маҳалламизда миллионер хонадонлар сони шиддат билан ортмоқда. Малиначилик орқали йилига ўртача 200 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача соф даромад кўряпти. Масалан, Рўзивой Мамажонов 6 сотих майдондан шунча даромад топмоқда. Мавлуда Мадиёрова ҳам 25 сотихли томорқасидан мавсум давомида 3 мартагача ҳосил олмоқда.

Биз аҳолини фақат малиначилик билан чеклаб қўймай, “маҳаллабай” ишлаш тизими доирасида бошқа соҳаларга ҳам фаол жалб қиляпмиз.

Масалан, 6 та хонадонга қўшимча равишда имтиёзли кредит ажратилиб, асаларичилик бўйича иши йўлга қўйиб берилди. Нигора Мирзаева эса 10 миллион сўмлик кредит эвазига тикувчилик корхонаси ва савдо дўкони очди. Қизи ва келини билан тўй сарполари тикиб, ойига 5 миллион сўм атрофида даромад топмоқда. Яна бир маҳаллий тадбиркоримиз 2024 йилда 100 миллион сўмлик кредит олиб, ўз боғчасини 25 ўриндан 50 ўринга кенгайтирди ва ишчилари сонини икки баробарга оширди. Шунингдек, қора бўйратикан(“ежевика”)нинг янги нави экилиб, аҳоли хонадонларида етиштириш оммалаштирилмоқда. Масалан, Замирбек Абдувалиев 1 гектар ердан 1 миллиард сўмгача фойда олмоқда.

Биргина ўтган йил давомида 587 нафар фуқарони доимий ва мавсумий иш билан таъминлашга эришдик. Ёшларимиз ҳам ижарага берилган 30 сотихлик ерда жамоа бўлиб, малина етиштиришнинг ҳадисини олди.

Агар инсон меҳнат билан банд бўлса, ҳаёти, албатта, фаровонлашади. Маҳалла ривожланса, мамлакат юксалади. Биз учун энг катта ютуқ — қуруқ ҳисоботлар ёки рақамлар эмас, балки одамларнинг турмуши яхшиланиб, ҳалол меҳнати ортидан барқарор даромад топаётганидадир.

МУЛОҲАЗА

РАИСГА БЕСАБАБ “ТОШ” ОТМАНГ!



Тонг саҳарлаб маҳалла идораси эшиги тагида туриб олган онахоннинг бақир-чақири бутун атрофни тутиб кетди. “Нега моддий ёрдам пулини тўхтатиб қўйдинг, раис, инсофинг борми?!”, дея баланд овозда ҳаммани эътиборини тортарди. Маҳалла раиси онахонга вазиятни қанчалик тушунтиришга ҳаракат қилмасин, эшитишни истамасди. Сабаби, у ҳамон эскича қараш билан яшаяпти — унинг назарида бола пули ва моддий ёрдам ҳали ҳам таниш-билиш орқали ҳал этилаётгандек, гўё.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Самарқанад шаҳридаги “Боғимайдон” маҳалласи раиси.

Аслида, тизимдаги ўзгаришлар аллақачон “еттилик” зиммасидаги вазифаларни аниқ қилиб белгилаб берган. Ҳар бир муаммо ўз эгасига соҳалар бўйича етиб боряпти. Аксарият ижтимоий муҳтож, ишсиз ва камбағал тоифадаги инсонлар бу ижобий янгиликларни ўз тақдирида ҳис қилмоқда. Ютуқлар, оммалаштирадиган тажрибалар жуда кўп. Аммо аччиқ бир савол кўндаланг бўлаверади. **Нега жамиятда оз бўлса-да, маҳалла ҳақида ҳамон эскича, салбий қараш сақланиб қоляпти? Нега айрим фикр эгалари шунча ишларни кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олмоқда?**

Вазиятни чуқур таҳлил қилиб кўрсак, аҳолининг маҳалла ислоҳотлари ва янги тизим ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигига гувоҳ бўламиз. Шу боис ходимлар кўпинча ўзига мутлақо алоқаси бўлмаган масалаларда ҳам “балогардон” бўлиб қолмоқда.

Энг катта тушунмовчилик ҳамон нафақалар атрофида айланмоқда. Кўпчилик моддий ёрдам ёки бола пули бўйича аризаси рад этилса, маҳаллани айблашдан тийилмаяпти. Аслида, бу тизим аллақачон тўлиқ рақамлаштирилиб, ахборот тизими орқали, инсон омилисиз ишлаяпти. **Маҳалла раиси ёки ижтимоий ходим истаса ҳам аризани рад эта олмайди ёки ижобий хулоса бера олмайди.** Компьютер дастури фуқаронинг номидаги мулк, машина, оилавий даромад ёки банк айланмаларини электрон база орқали ўзи текширади, мустақил қарор чиқаради. Аммо рад жавобини олган фуқаро барибир маҳалла идорасига келиб, тўполон қилишда давом этмоқда.

Яна бир ҳаётий мисол — Ижтимоий реестрда турган фуқаро имтиёзли кредит сўраб мурожаат қилса, “еттилик” унга кўмак беришни, оёққа туриб кетишини истайди. Аммо...

Фуқаронинг банкдаги кредит тарихига назар солинса, вазият мутлақо бошқача манзарани кўрсатади. Аввал олинган ва қайтарилмаган қарзлар, банк тарихидаги “қора рўйхат” муаммога сабаб бўлади. Табиийки, банк бундай талабгорга маблағ ажратишни истамайди ва аризани рад этади. Лекин пул ололмаган фуқаро яна маҳалланинг устидан арз қилишга тушади. Сабаблари қанчалик асослантирилиб тушунтирилмасин, шикоятбозлик ва мурожаатлар сони ошаверади.

Хўш, муаммога ечим борми? Албатта, бор. Агар биз маҳалланы чинакам халқчил ва обрўли тузилмага айлантирмоқчи бўлсак, фуқароларга давлат идоралари ва маҳалланинг ваколат чегараларини аниқ тушунтиришимиз керак. **Маҳалла пул тарқатадиган хазина эмас, балки йўл кўрсатадиган, тадбиркорликка кўмаклашадиган маскан эканини аҳоли онгига сингдириш лозим.**

Нафақалар ёки кредитлар қандай тартибда берилишини, инсон омилисиз тизимлар қандай ишлашини содда тилда тушунтириб бориш шарт. Аҳоли маҳалла ичидаги ўзгаришларни тўғри англаб, ислоҳотларни холис эътироф этса ва қўллаб-қувватласагина, шикоятбозлик ўрнини ҳамжиҳатлик эгаллайди. Маҳалла ҳар бир хонадонга файз ва барака олиб кирувчи чинакам маслаҳатхонага айланади.

ТАЖРИБА

ТОМОРҚА ШУНЧАКИ ЭКИН МАЙДОНИ ЭМАС..

Бугун қишлоқ хўжалигида янги имкониятлар эшиги очилмоқда. Айниқса, “драйвер” соҳани ривожлантириш яхши самара бераётир.



Рустамжон АБДУСАМАТОВ,
Қибрай туманидаги “Май” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Маҳалламизда томорқа ерларидан унумли фойдаланиб, 4 та хонадонда “Олтиариқ тажрибаси” асосида узумчиликни йўлга қўйдик. Жумладан, Муҳиддин Алметов ўз томорқасида етиштирилаётган узум ҳосилидан 12 миллион сўмгача қўшимча соф даромад олишга эришмоқда. Бундан ташқари, у кўчатчилик билан шуғулланади, полиз экинларидан ҳам даромад топаётир. Бу кўрсаткич томорқа шунчаки экин майдони эмас, балки оилавий бюджетни бутловчи даромад манбаи эканини кўрсатади.

Одамларда ерга бўлган муносабат ўзгармоқда, меҳнат қилиб бойишга бўлган интилиш кучайган. Эришилган натижалар билан тўхтаб қолмаяпмиз. Банд бўлмаган хотин-қизлар ва ёшларга узумчилик сир-асрорларини ўргатяпмиз, оилаларга имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашиб, замонавий токзор ва иссиқхоналар ташкил этяпмиз.

Мақсад — “маҳаллабай” ишлаш тизими орқали узум етиштирувчи хонадонлар сонини икки баробарга ошириш.

ИШ БИЛГАНГА, БАЛЛИ!

ПОМИДОР БАРГИНИНГ БУЖМАЙИШИ ХАВФЛИ ЭМАСМИ?

Жазирама иссиқ кунлар деҳқон ва томорқа эгалари учун ҳақиқий синов даври ҳисобланади. Боғ-роғларда кучли қуёш нури ва юқори ҳарорат таъсирида помидор баргларининг бужмайиши ва ўралиб қолиши тез-тез кузатилади.

Зафар ОРТИҚОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Кўпчилик деҳқонлар бу ҳолатни кўриши билан саросимага тушиб, ўсимликка турли кимёвий дориларни сепишга шошилади. Аслида, баргларнинг бужмайиши ҳар доим ҳам хавфли касаллик белгиси бўлавермайди.

Муаммони тўғри бартараф этиш учун, аввало, унинг асл сабабларини ўрганиш ва шунга мос равишда чора кўриш лозим.

Ҳарорат ҳаддан ташқари кўтарилиб кетганда, ўсимлик танасидаги намликни сақлаб қолиш учун баргларини ичкарига қараб бурайди. Бу — табиий ҳимояланиш усулидир.



Шунингдек, тупроқда сувнинг ҳаддан ташқари камлиги ёки ортиқчалиги (қўллаб қолиши) ҳам илдиз фаолиятини бузади.

Агар барглар нафақат бужмайса, балки уларнинг ранги сарғайиб, мозаика (ола-була) тус олса ёки ўсишдан тўхтаса, мана шу хавфли вирус белгиси бўлиши мумкин.

Вазиятни яхшилаш учун дарҳол дори сепишга шошилманг. Аввал соя қилиш керак. Бу қуёшдан ҳимоя қилишга ёрдам беради. Суғоришни фақат кечки вақтда (соат 20:00 дан кейин) ёки эрта тонгда амалга оширинг. Тупроқ намлигини доимий бир хилда сақлашга ҳаракат қилинг.

Агар ўсимликка вирус теккани аниқ бўлса, тупни дарҳол илдизи билан суғуриб олиб, маҳалла ҳудудидан ташқарида ёқиб юборинг. Чунки вирусни даволаб бўлмайди ва у бошқа соғлом тупларга ҳам юқади.

Хулоса қилиб айтганда, помидор барглари касалланганда кўр-кўрона дори сепишдан аввал, салқин муҳит ва тўғри суғориш тизимини яратиб беринг.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Республика бўйича 1 137 ТА МАҲАЛЛАДА 2,3 МИЛЛИОН НАФАРДАН ОРТИҚ ХОТИН-ҚИЗЛАР билан “хонадонбай” мулоқот ўтказилди.



Ўзбекистонда бир йилда 11 мингдан ортиқ эркак ЎЗИДАН КАТТА ЁШДАГИ АЁЛГА УЙЛАНГАН.



“ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЛАНСИ” МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ юритилиб, у орқали ижтимоий ёрдамга муҳтож аёллар барвақт аниқланади.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”



ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Оила — сабр, бахт эса МЕҲНАТ БИЛАН МУКАММАЛ

Йигирма олти йил қайнона-қайнотам билан бирга яшадим. Шу давр мобайнида орамиздан бирорта ортиқча гап-сўз ўтмади. Оилада сабр, муроса ва бир-бирини тушуниш қанчалик муҳимлигини энди англаб етяпман. Бугун ёш келинлар билан суҳбатлашганда, уларга ўз тажрибамдан келиб чиқиб, маслаҳат беришга ҳаракат қиламан.

Зебо ХОЛИҚУЛОВА, Иштихон туманидаги “Ровот” ва “Қўнғирот” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

2017 йилдан буён маҳалла тизимида фаолият юритаман. Йиллар ўтиши билан одамлар билан ишлашни, уларнинг дардини сўзсиз ҳам англашни ўргандим. Баъзан аёлнинг кўзига қарашнинг ўзи кифоя: хурсандми ёки қўнглида бирор ташвиши борми дарров сезаман.

Маҳаллага хотин-қизлар кўпроқ бандлик масаласида мурожаат қилишади. Қўлимиздан келганча ёрдам беришга, муносиб иш топишига кўмаклашишга ҳаракат қиламиз. Муаммоси ҳал бўлиб, кейин “раҳмат” айтиб келган аёлларни кўрсам, ич-ичимдан қувонаман.





“Еттилик” вакиллари билан бирга хотин-қизлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Туркия билан ҳамкорликда очилган тикувчилик цехида қўплаб аёллар меҳнат қилмоқда. Улар учун махсус транспорт ва овқатланиш ташкил этилган. Маош 2 миллион 800 минг сўмдан бошланади ва тажриба ортгани сари ошиб боради. Цехда, асосан, эркаклар шимлари тикилади, маҳсулотлар эса экспортга йўналтирилади.

Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам натижаларимиз кўп. “Аёллар дафтари”га киритилган Дилноз Худойқулова аввал уйида тикувчилик билан шуғулланар, кейин кичик дўкон очган эди. Унга 33 миллион сўм имтиёзли кредит ва субсидия асосида иккита тикув машинаси олишига кўмаклашдик. Бугун унинг 5 нафар ишчиси, 8 нафардан ортиқ шогирди бор.

Қўшни маҳаллалардан олиб келинадиган сузмадан қурт тайёрлаш орқали ҳам 100 нафардан ортиқ аёл меҳнат қиляпти. Шу машғулот орқали улар ҳафтасига 1 миллион 500 минг сўмгача даромад топишмоқда.

Афсуски, хотин-қизлар билан ишлашда оилавий муаммолар ҳам тез-тез учраб туради. Кейинги пайтларда ажрашиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани жуда ташвишли. Айрим оилаларда қайнона ва оналарнинг ортиқча аралашуви ёш оилалар муносабатига салбий таъсир кўрсатяпти. Бундай пайтларда мен ўз ҳаётий тажрибамга таяниб, мисоллар келтираман. Аслида, оилада ҳурмат ва сабр бўлса, кўплаб муаммоларга ечим топиш мумкин.

Мақсадим — имкони борича аёлларнинг муаммосини ҳал қилиш, уларга ишонч ва имконият бериш. Маслаҳат ва йўл-йўриқларим кимгадир асқатса, бир оиланинг тинчлигига ёки бир инсоннинг эртанги кунига наф келтирса, шунинг ўзи мен учун катта ютуқ.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

...Эрталаб соат саккиз. Бир оиланинг муаммосини тинглаш, иккинчисида тазйиқ ва зўравонлик ҳолати юзасидан суҳбат ўтказиш, яна бошқа хонадонда ишсиз аёлни касбга йўналтириш, кун охиригача эса ҳисоботларни электрон тизимга киритиш... Буларнинг барчаси хотин-қизлар фаолининг бир кунлик юмуши. Энди тасаввур қилинг, бу вазифалар битта эмас, икки маҳалла учун бажарилса-чи?

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.

Хотин-қизлар фаоли маҳалладаги энг масъулиятли ва жамоатчиликка энг яқин бўғинлардан бири ҳисобланади. Улар ҳар бир хонадоннинг ижтимоий муҳитини ўрганади, эҳтиёжманд аёлларга кўмаклашади, ишсизларни бандликка йўналтиради, муаммоли оилалар билан ишлайди, ҳуқуқий тушунтиришлар олиб боради. Кўпинча улар биринчи мурожаат қилинадиган, биринчи эшитадиган ва биринчи ечим излайдиган инсонга айланади.

Сўнгги йилларда мазкур тизим орқали минглаб хотин-қизларнинг муаммолари ҳал этилмоқда. Бироқ амалиётда айрим ҳудудларда бир нафар хотин-қизлар фаолига иккита маҳалла бириктирилгани уларнинг иш самарадорлигига таъсир кўрсатмаяптими, деган савол туғилади.

Аслида, хотин-қизлар фаолининг вазифалари саноқсиз. У нафақат мурожаатларни қабул қилади, балки ҳар бир оиланинг ижтимоий ҳолатини ўрганади, эҳтиёжманд хотин-қизларни аниқлайди, уларни тадбиркорлик ва бандлик дастурларига жалб этади, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш бўйича профилактик ишлар олиб боради. Бунинг устига турли ҳисоботлар, мониторинглар ва электрон платформалар билан ишлаш ҳам унинг кундалик вазифалари қаторига киради.

— Икки маҳаллага масъул бўлиш, аввало, вақтни жуда аниқ режалаштиришни талаб қилади, ***— дейди Чуст туманидаги “Янги Боғишамол” ва “Мустақиллик” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли Зуҳра Бойқўзиева.*** *— Бир маҳаллада иш режаси бўлса, иккинчисида ҳам кутилмаган мурожаатлар чиқиб қолади. Ҳар бир аёлнинг дардини тинглаш, ҳар бир оиланинг ҳолатини ўрганиш учун вақт керак. Биз барчасига улгуришга ҳаракат қиламиз, аммо инсон имкониятининг ҳам чегараси бор. Айрим ҳолларда бир маҳалладаги шошилинч масала туфайли иккинчисига кечроқ боришга тўғри келади. Лекин ҳар икки маҳалла аҳолиси ҳам муаммосига ўз вақтида ечим кутади.*

Икки маҳаллада бир вақтнинг ўзида сифатли иш олиб бориш эса табиий равишда вақт ва ресурсларнинг етишмаслигига олиб келади. Аҳоли сони кўп ҳудудларда аёлларга етарлича эътибор қаратиш, муаммоларни чуқур ўрганиш ва тезкор чора кўриш имконияти чекланиши мумкин.

Айниқса, тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларида ҳар бир дақиқа муҳим. Ёки оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оила билан ишлашда мунтазам мулоқот талаб этилади. Агар фаол вақтнинг катта қисмини иккинчи маҳаллага қатнаб ёки ҳужжатлар тайёрлаш билан ўтказса, бу энг аввало, аҳолига кўрсатиладиган хизмат сифатига таъсир қилиши эҳтимолдан холи эмас.

Муаммонинг яна бир жиҳати — ортиб бораётган ҳисобот ва ҳужжатбозликдир. Электрон тизимлар ишни енгиллаштириш учун жорий этилган бўлса-да, амалда уларга маълумот киритиш ҳам анча вақт талаб этади. Бу эса фаолнинг одамлар билан бевосита мулоқоти учун ажратиладиган вақтни қисқартиради.

Албатта, аҳоли сони нисбатан кам бўлган ҳудудларда бир фаолга икки маҳалла бириктирилиши муайян даражада ўзини оқлаши мумкин. Бироқ аҳоли зич жойлашган маҳаллаларда иш юкламасини қайта кўриб чиқиш, қўшимча штат бирликларини жорий этиш ёки вазифаларни оқилона тақсимлаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Хотин-қизлар билан ишлаш рақамлар ёки ҳисоботлар эмас, инсон тақдири билан боғлиқ. Шу боис бу тизимда меҳнат қилаётган мутахассисларнинг имкониятлари, вақт тақсимоти ва иш шароитини такомиллаштиришга қаратилган чоралар нафақат уларнинг меҳнатини енгиллаштиради, балки маҳаллалардаги ижтимоий муаммоларни самарали ҳал этишга ҳам хизмат қилади.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Риштон туманидаги “Тўраобод” маҳалласида яшовчи Замира Робилова 20 йилдан буён миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Муқимжон ҚОДИРОВ, журналист.

СОПОЛГА МУҲРЛАНГАН АВЛОДЛАР АНЪАНАСИ

Замира Робилова кулолчилик сир-асрорларини қайнонаси Оминахон Робиловадан ўрганган. Айни пайтда турмуш ўртоғи Аъзамжон Робилов ва фарзандлари билан бирга оилавий устахона фаолиятини йўлга қўйган.

Устахонада касаначилик асосида маҳалладаги 50 нафарга яқин хотин-қиз иш билан таъминланган. Бу ерда 100 турдан ортиқ кулолчилик буюмлари тайёрланиб, Хива ва Бухоро шаҳарлари, шунингдек, юртимизнинг турли ҳудудларига етказиб берилмоқда.



“Тўраобод” маҳалласи хотин-қизлар фаоли Шаҳрибону Мелибоеванинг маълум қилишича, ҳудудда икки минг нафардан ортиқ хотин-қиз истиқомат қилади. Улар кулолчилик ва бошқа тадбиркорлик йўналишларида фаолият юритиб, маҳалла иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшмоқда. Тадбиркорлар қўплаб аёлни касаначилик асосида иш билан таъминлаган.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

Қоракўл туманидаги “Дўрман” маҳалласида яшовчи Фотима Мирзақулова боқувчисидан айрилгач, икки нафар фарзандини тарбиялаш билан бирга, рўзғорини тебратиш учун меҳнат қилишга интилди.

ЁРДАМ ЭМАС, ИМКОНИЯТ ЯРАТГАН ЮТАДИ



Маҳалла ва ҳомийлар кўмагида унга музқаймоқ тайёрлаш ускунаси олиб берилди. Кейинчалик ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун ссуда асосида махсус жиҳозланган савдо шохобчаси фойдаланишга берилди.

Оила аъзолари бугун касаначилик асосида ўрик данагидан шўрданак тайёрлаш билан ҳам шуғулланмоқда. Маҳсулотнинг ҳар бир килограмми учун 2 минг сўмдан ҳақ олинади. Биргаликдаги меҳнат натижасида оила бир кунда ўртача **200-250 минг сўм** даромад топяпти.

— Бизга тайёр ёрдам эмас, меҳнат қилиб, ўзимиз даромад топишимиз учун имконият яратиб берилганидан миннатдормиз, ***— дейди Фотима Мирзақулова.***

Мазкур оила мисолида эҳтиёжманд хонадонларни қўллаб-қувватлашда **“ёрдам бериш”дан “имконият яратиш”га ўтиш** қанчалик муҳим экани намоён бўлмоқда.

ИККИ МАҲАЛЛА — БИР ФАОЛ: МИҚДОР МУҲИММИ ЁКИ СИФАТ?



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



2026 йил январь-июнь ойларида 21 МИНГ 42 НАФАР ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ЎҚИШ МАҚСАДИДА Ўзбекистонга келди.



ЁШЛАРНИНГ МАҲАЛЛАДАГИ ЭКОЛОГИК ЛОЙИҲАЛАРИГА 1 миллиард 140 миллион сўм грант ажратилди.



“ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР” МОДУЛИ ишга туширилиб, чет элдаги ўзбекистонликларга касбий инглиз тилини бепул ўрганиш имконияти яратилди.

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

ХОРИЖДА ТОПИЛГАН ДАРОМАД

ЙЎҚОТИЛГАН ҲАЛОВАТГА БАРОБАР



Тонг ёришиши билан кунлик ишларимни саралаб оламан. Қайси ёш билан гаплашиш керак, кимнинг иш масаласи ҳал бўлмай турибди, кимга тадбиркорлик бошлаш учун кўмак зарур — аввало, шуларни ўйлайман.

Шоҳрух ҚЎЗИЕВ, Қарши туманидаги “Узумзор” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Дониёр Азимов билан учрашувимиз ҳам шундай кунларнинг бирида бўлган. Дониёр бундан беш йил аввал меҳнат миграцияси орқали Жанубий Кореяга бориб ишлаб қайтди. Хорижга пул топиш, оиласига кўмаклашиш ниятида йўлга чиққан бу йигит мусофирчиликнинг ўзига яраша синовлари борлигини вақт ўтиб англаб етди. Бегона юртда меҳнат қилиш осон эмас. У ерда топилган даромад ортида соғинч, айрилиқ, бегона муҳитга мослашиш каби кўринмас меҳнат ҳам бор. Шу боис Дониёрнинг кўнглида бир фикр тобора кучайган: “Нега мен шу ерда ўрганган тажрибамни ўз юртимда ишлатмайман?”

У юртга қайтгач, тадбиркорлик қилиш ниятида эканини билдириб, мен билан учрашди. Суҳбат давомида автомобилларни ювиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасига талаб юқори эканини билганини айтди. Энг муҳими, у энди бегона юртда қолишни истамасди. Кўзларидаги соғинчни ҳам сезиш қийин эмасди.

Дониёр билан бирга унинг режасини қоғозда қолдирмасликка ҳаракат қилдик. Имтиёзли кредит олиш масаласида кўмаклашдик. Керакли ҳужжатлар, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ишни бошлаш каби жараёнларда ёнида бўлдик. Натижада Дониёр автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш шохобчасини ташкил этди. Бугун эса кечаги ният амалий натижага айланган. Ўртача ойлик даромади 12 миллион сўмни ташкил этади. Лекин мен учун Дониёрнинг муваффақияти фақат унинг даромади билан ўлчанмайди. Унинг ортидан яна бошқа ёшларнинг ҳам йўли очилгани мен учун ундан-да муҳимроқ.

Д.Азимов ўз тажрибасидан келиб чиқиб, бошқа ишсиз ёшларга ҳам тадбиркорлик бошлашни тавсия қила бошлади. Унинг намунасида 4 нафар ишсиз ёшга жами 390 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, тикувчилик, паррандачилик ва мебель ишлаб чиқариш йўналишларида тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди. Энг қувонарлиси, бу лойиҳалар ҳисобидан 9 та янги иш ўрни яратилди.



Мен учун ёшлар билан ишлашнинг мазмуни ҳам шунда. Баъзан уларнинг муаммоси пулда эмас, олдидаги имкониятни кўра олмаётганида бўлади. Баъзан унга катта ёрдам эмас, йўл кўрсатадиган, “қани, бошлаймиз”, деб ёнида турадиган одам керак. Дониёрнинг ҳикояси ҳам шуни кўрсатди: хорижда орттирилган тажриба ҳам, меҳнат ҳам, ният ҳам ўз юртида яхши натижага хизмат қилиши мумкин. Бунинг учун имкониятни тўғри топиш, ёшнинг ўзига ишончини мустаҳкамлаш ва энг муҳими, уни муаммоси билан ёлғиз қолдирмаслик керак.

ҲУҚУҚ

ЎЗ УЙИДА РЎЙХАТДА ТУРИШ НЕГА МУАММО БЎЛИШИ КЕРАК?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилган навбатдаги қонун лойиҳаси билан эндиликда уй эгасининг яқин қариндошлари, талабалар ва ипотекадаги уйлар бўйича қатор енгилликлар яратиляпти.



Шаҳноза ХАЛИЛОВА, “Mahalla” мухбири.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда ипотека кредити ёки субсидия асосида хонадон сотиб олган 20 мингдан ортиқ фуқаро ўз уйларига рўйхатга қўйилишда муаммоларга дуч келмоқда. Бу эса уларга фарзандларини мактаб ёки боғчага жойлаштириш, поликлиникага бириктириш, пенсия ва бошқа ижтимоий хизматлардан фойдаланишда муаммо туғдиряпти.

Таклиф этилаётган тартибга кўра:

биринчидан, *оила аъзолари ва яқин қариндошларини турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишда уй-жой майдонининг ижтимоий меъёрини қўллаш билан боғлиқ чекловлар бекор қилинади;*

иккинчидан, *талабалар турар жойларида истиқомат қилаётган талабаларга нисбатан алоҳида ҳуқуқий тартиб жорий этилиб, уларни рўйхатдан ўтказишда уй-жой майдонининг ижтимоий меъёри қўлланилмайди;*

учинчидан, *эндиликда уй-жойга таъқиқ қўйилган бўлса ҳам, мулкдор ва унинг яқин қариндошларини мазкур турар жойда рўйхатдан ўтказишда банк, суд, МИБнинг розилиги талаб этилмайди.*


Албатта, юқоридаги ўзгаришлар минглаб оилаларни сарсон қилган оворагарчиликларга барҳам беради. Бироқ қонун лойиҳасига яна бир қатор меъёрларни ҳам киритиш керакки, бу орқали ортиқча югур-югурлар, хавотирларни аритиш имкони пайдо бўларди.

Жумладан, қонун лойиҳасида турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш **шахсга мазкур турар жойга нисбатан мулкий ҳуқуқ ёки мулкий даъво ҳуқуқини вужудга келтирмаслиги** аниқ кўрсатилиши керак. Бу уй эгаларидаги асосий хавотирлардан бирини бартараф қилади.

Масалани яна бир қадам олдинга суриш — рўйхатдан ўтишнинг ўзига нисбатан **квадрат метр талабини қўлламасликни** таклиф қилиш мумкин. Яъни уй-жой майдони ижтимоий меъёрдан камлиги шахсни турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос бўлмасин.

Ўз навбатида **бир манзилда белгиланган мезонлардан ортиқ шахслар рўйхатга олинганда,** ахборот тизими тўғридан-тўғри хабар бериши, аммо бу ҳолат рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос бўлмаслиги керак. Яъни назорат бор, лекин бюрократик тўсиқ йўқ.

Яна бир муҳим жиҳат — ота-онаси ёки қонуний вакили рўйхатда турган манзилга **вояга етмаган фарзандни уй-жой майдонидан қатъи назар рўйхатга олиш** мумкинлиги аниқ белгиланиши зарур.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

МУЛОҲАЗА

ЯХШИ НИЯТ

ҲАР ДОИМ ТЎҒРИ ҚАРОР БЎЛМАЙДИ

...Абдулла болалигидан қоғоз ва қаламни қўлидан қўймасди. Тенгдошлари футбол ўйнаётган пайтда у кўчадаги уйларни чизарди. Эски иморатларнинг нақшлари, янги биноларнинг шакли, деразалар қандай жойлашгани — буларнинг бари унинг эътиборини тортарди. Мактаб дафтарларининг охирги саҳифалари формулалар ёки шеърлар билан эмас, ўзи тасаввур қилган биноларнинг чизмалари билан тўлиб кетган эди.



Барно ЙЎЛДОШЕВА, психолог.

Синф раҳбари ҳам унинг тасвирий фикрлаши кучли эканини сезган, бир неча бор ота-онасига бу қобилиятни ривожлантириш кераклигини айтганди. Аммо оилада бошқа режа аллақачон тузиб бўлинган эди. “Архитектор бўлиб нима қиласан? Шифокор бўласан. Одамлар орасида обрўли касб шу”. Шу битта гап аста-секин унинг орзусидан баландроқ эшитила бошлади. Абдулла баҳслашмади. Ҳужжатларини тиббиёт йўналишига топширди. Ўқишга кирди. Диплом ҳам олди. Бугун у шифохонада ишлайди. Ташқаридан қараганда ҳаммаси ҳавас қилгудек: яхши касб, барқарор иш, ота-онасининг орзуси ушалган. Лекин ҳар куни ишга кетаётганида унинг нигоҳи ҳали ҳам янги қурилаётган биноларга қадалади. Уларнинг чизиқларини кўз билан ўлчайди. Гўё ичида йиллар аввал айтилмай қолган бир орзу ҳануз яшаётгандек...

Абдулланинг ҳикояси кўпчиликни ҳайрон қолдирмайди. Чунки ундаги ҳолат минглаб оилалар учун бегона эмас. Кўпинча ёшлар касб танлаётганда ўз қизиқиши билан эмас, ота-онасининг истаги билан йўл танлайди. Касб танлашни кўпчилик олийгоҳга кириш ёки диплом олиш масаласи, деб билади. Аслида эса бу инсоннинг бутун ҳаётига таъсир қиладиган энг муҳим қарорлардан биридир. Инсон эрталаб ишга қандай кайфият билан бориши, ўз меҳнатидан завқ олиши ёки аксинча, руҳий босимни ҳис қилиши кўп жиҳатдан айнан шу танловга боғлиқ. Шунга қарамай, айрим оилаларда фарзандларнинг қобилияти ва қизиқиши иккинчи ўринга тушиб қолмоқда. “Бу касбнинг келажаги йўқ”, “одам бўладиган касбни танла”, “бизнинг сулолада ҳамма шифокор”, деган гаплар яхши ният билан айтилади. Аммо яхши ният ҳар доим ҳам тўғри қарор дегани эмас.

Педагогларнинг таъкидлашича, боланинг истеъдоди кўпинча унинг қизиқишларида намоён бўлади. У қайси машғулот билан шуғулланаётганда вақтни унутади, нимани осон ўзлаштиради, нимадан завқ олади — айнан шу белгилар келажакдаги касб танловида муҳим мезон бўлиши керак. Баҳолар эса ҳар доим ҳам қобилиятнинг ҳақиқий кўрсаткичи эмас.

Бу фикр бугунги муаммонинг моҳиятини очиб беради. Бола ўз истагини эмас, бошқаларнинг қутганини бажаришга мажбур бўлса, вақт ўтиши билан унинг ички қизиқиши сусаяди. У ўқишни мажбурият, деб қабул қилади, кейинчалик эса ишини ҳам худди шундай давом эттиради. Рус психологи Лев Виготский: **“Боланинг имкониятлари унга ишонилган муҳитда очилади”,** — дея таъкидлайди. Демак, фарзанднинг қобилиятига ишонмаслик ёки уни инкор этиш, аслида, унинг имкониятларини чеклаш билан баробар.

Халқаро тадқиқотлар ҳам бу муаммонинг оқибатларини кўрсатмоқда. Сўнгги тадқиқотларда дунё бўйлаб ходимларнинг атиги 23 фоизи ўз ишига чинакам қизиқиш билан ёндашиши аниқланган. Мутахассислар бунга сабаб сифатида касб ва шахсий қобилият ўртасидаги номувофиқликни кўрсатяпти. Бу эса фақат иқтисодий эмас, руҳий саломатлик масаласи ҳамдир. Ўзига мос бўлмаган касбда йиллар давомида ишлаш инсонда доимий руҳий босим, касбий ҳолдан тойиш, ўзига ишончсизлик ва ҳаётдан қониқмаслик ҳиссини кучайтиради.

Муаммонинг яна бир жиҳати бор. Кўпинча ота-оналар фарзандини мажбурлаётганини ўзлари ҳам сезмайди. Улар фақат хавфсиз келажакни хоҳлашади. Барқарор иш, яхши даромад, обрўли касб... Буларнинг барчаси табиий истак. Аммо замонавий дунёда муваффақият касбнинг номи билан эмас, уни қандай меҳр ва маҳорат билан бажариш билан белгиланмоқда.

Шу боис бугун ота-оналар фарзандига касб танловчи эмас, унинг қобилиятини кашф этишга ёрдам берувчи ҳамроҳ бўлиши керак. Мактабларда касбга йўналтириш тизимини кучайтириш, психологик диагностикани кенгайтириш, ота-оналар билан мунтазам тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро, инсонни бахтли қиладиган нарса диплом эмас, бу — ҳар тонг уйғонганда ўзи танлаган йўлдан бораётганини ҳис қилишидир.



2026-2027 ўқув йили учун ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАР УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАХСУС ТЕХНИКУМЛАРГА қабул бошланди.



Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида январь-июнь ойларида 773 нафар аёлга ижтимоий хизматлар кўрсатилди.



2026 йил 1 август ҳолатига кўра, ИЖТИМОИЙ НАФАҚА ОЛУВЧИЛАР СОНИ 708 минг 242 нафарни ташкил этди.

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

УМИД ВА ИШОНЧ — тақдир эшикларида уйғонган илк туйғулар

...Қиш ўз ҳукмини ўтказаётган кунлар эди. Аҳолини рўйхатга олиш ишлари доирасида маҳалла раиси билан биргаликда хонадонма-хонадон юриб, фуқароларнинг яшаш шароити ва ижтимоий ҳолидан хабар олардик.



Мухлиса АҲМАДЖОНОВА, Бўка туманидаги “Тошлоқ” маҳалласи ижтимоий ходими.

Ўша куни Бунёдкор кўчасидаги бир хонадон эшигини тақиллатдик. Уни сочлари оқарган, юзида ғам излари акс этган Зулфия опа очди. Хонадонга киришимиз билан оғир сукутни ҳис қилдик.

Суҳбат давомида оила аъзолари ҳақида сўраганимизда, Зулфия опа кўзларига ёш олиб, келини билан эгизак неваралари шифохонада эканини айтди. Муддатидан олдин туғилган чақалоқлар жуда заиф бўлиб, доимий тиббий назоратга муҳтож эди. Оила вакиллари доимий даромад манбаига эга эмаслиги боис даволаш харажатларини қоплашга қийналаётган эди.

Ана шундай оғир дамларда ҳомийлар ёрдам қўлини чўзиб, болаларнинг зарур текширувлари учун 3 миллион сўм маблағ ажратишди. Қолаверса, хонадон вакиллари Ижтимоий реестрга киритилди ва болалар нафақаси тайинланди. Оила аъзолари тиббий кўрикдан ўтказилиб, саломатлиги назоратга олинди.

Фарзандларнинг таълим-тарбияси ҳам эътибордан четда қолмади. Оиланинг икки нафар фарзанди давлат мактабгача таълим ташкилотига имтиёзли равишда жойлаштирилди. Эгизаклар учун олти ойга етадиган қўшимча болалар озуқаси олиб берилди.

“Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали оила озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечак билан таъминланди. Шунингдек, электр энергияси ва табиий газ харажатлари учун компенсация ҳамда Рамазон ойи муносабати билан бир марталик моддий ёрдам ажратилди.

Оиланинг келгусида барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун ҳам керакли чоралар кўрилди. Ҳоким ёрдамчиси кўмагида субсидия ажратилиб, мотокультиватор олиб берилди.

Зулфия опанинг турмуш ўртоғи Рустам ака ушбу имкониятдан унумли фойдаланиб, меҳнат қилишни бошлади. Бугун у ўз ҳаракати ортидан даромад топиб, оиласи рўзғорига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Энг қувонарлиси, бир вақтлар ёрдамга муҳтож бўлган оила бугун ўз меҳнати билан ҳаётини яхшилаш сари дадил қадам ташламоқда. Бир пайтлар шифохона йўлакларида фарзандлари учун кўз ёш тўккан она бугун уларнинг кулгисини эшитиб, шукроналик билан яшамоқда.

Мен ижтимоий ходим сифатида ушбу оиланинг муаммоларини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатилишида ўз ҳиссамни қўша олганимдан мамнунман.

Баъзан бир эшикни қоқиш билан бошланган йўл бутун оиланинг тақдирини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

МУЛОҲАЗА

“МЕН ҲЕЧ НАРСА ҚИЛА ОЛМАЙМАН”, ДЕМАНГ...

...Боёвут туманидаги “Анорзор” маҳалласида истиқомат қиладиган Акромжон Одилов (исми ўзгартирилган) ҳаёти бахтсиз ҳодиса оқибатида бутунлай ўзгариб кетди. Илгари у дўстлари билан кўп мулоқот қилар, ишлашга интилиб, келажак учун режалар тузарди.



Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.

Энди эса уйдан деярли чиқмай қўйди. Телефон қўнғироқларига жавоб бермас, яқинлари билан ҳам кам гаплашарди. “Энди менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди”, деган фикр йигитни тобора ўз домига тортиб борарди.

Бу каби ҳолатлар ҳаётда тез-тез учраб туради. Ногиронлиги бўлган фуқароларнинг жисмоний чекловдан кўра, атрофдагиларнинг муносабати, ишсизлик, ёлғизлик, мулоқот доирасининг торайиши ва келажакка ишончсизлик туфайли руҳий қийинчиликка дуч келади.

ТУШКУНЛИК ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ?

Бу ҳолат туғма эмас, балки касаллик ёки бахтсиз ҳодиса натижасида юзага келган бўлса, киши аввалги имкониятлари билан бугунги ҳолатини солиштира бошлайди. Ўзгаришларни қабул қилиш ҳар доим ҳам осон кечмайди.

— Инсон ўзини “мен ҳеч нарса қила олмайман”, деган фикр билан чеклаб қўйса, бу ҳолат руҳий тушкунликни янада кучайтириши мумкин, ***— дейди Боёвут туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази психологи Шоҳиста Жўрақулова.*** *— Шунинг учун унинг кичик ютуқларини ҳам қадрлаш ва мустақил қарор қабул қилишига шароит яратиш муҳим. Яқинлари унинг ўрнига ҳамма ишни бажаришга эмас, балки ўз имкониятидан фойдаланишига кўмаклашиши керак.*

Бу борада ҳар бир шахснинг ногиронлик тури ва шахсий имкониятларини ҳисобга олиш, уни тинглаш, руҳий далда бериш, мавжуд қобилияти ва салоҳиятини ривожлантириш жуда муҳим.

МЕҲНАТ — ЎЗ-ЎЗИГА ИШОНЧ МАНБАИ

Ногиронлиги бўлган инсон учун иш фақат даромад манбаи эмас. Аксинча, мулоқот, қобилиятини намоён қилиш ва жамиятда ўз ўрнини ҳис этиш имконияти ҳамдир.

Масалан, узоқ вақт ишсиз қолган бир фуқаро кунларини, асосан, уйда ўтказади. Одамлар билан мулоқоти камаяди, ўзини кераксиздек ҳис қилади. Кейин унга имкониятига мос касб ўргатиш ва ишлаш учун шароит яратилди. Аввалига кичик буюртмаларни бажарган бу киши вақт ўтиши билан доимий даромад манбаига эга бўлди. Энг муҳими, у ўз меҳнати билан оиласига ҳисса қўшаётганини ҳис қилди. Бу эса унинг ўзига бўлган ишончини тиклади.

Шу маънода, ногиронлиги бўлган фуқароларни касбга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш нафақат иқтисодий, балки психологик аҳамиятга ҳам эга.

ТУШКУНЛИКНИ ЎЗ ВАҚТИДА АНГЛАШ МУҲИМ

Имконияти чекланган кишининг узоқ вақт давомида ҳеч нарсага қизиқмаслиги, одамлардан узоқлашиши, доимий умидсизликни ҳис қилиши, уйқу ва иштаҳасининг жиддий ўзгариши ёки атрофидаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлиб қолишини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бундай вазиятда яқинларининг қўллаб-қувватлаши билан бирга психолог ёки бошқа тегишли мутахассисга мурожаат қилиш муҳим. “Ўтиб кетади”, деб кутиш баъзан муаммони янада чуқурлаштириши мумкин. Руҳий саломатлик ҳам жисмоний саломатлик каби эътибор ва ёрдамни талаб қилади.

Акромжон билан ҳам ижтимоий ходим алоҳида суҳбатлар ўтказиб, унинг қизиқишлари ва имкониятларини ўрганди. У турли ижтимоий тадбирларга жалб қилинди, бошқалар билан мулоқот қилиши учун шароит яратилди.

Аста-секин йигитнинг ўзига бўлган ишончи тиклана бошлади. Акромжон одамлар билан мулоқот қилишдан чўчимай, ўз фикрларини эркин ифода этадиган бўлди. Энг муҳими, у ўзини жамиятдан ажралган инсон эмас, балки унинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қила бошлади.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Янги хизмат — ОИЛАГА ТАЯНЧ, БОЛАГА ИМКОНИЯТ



Қарши шаҳридаги “Имкон” реабилитация марказига эга давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотида ногиронлиги бўлган болалар ҳамда уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган янги пуллик хизматлар йўлга қўйилди.

Инобат БЎТАЕВА, “Имкон” реабилитация маркази директори.

Бу алоҳида таълим эҳтиёжига эга болаларнинг ривожланиши билан бир қаторда, уларнинг оилаларига ҳам амалий ёрдам кўрсатиш йўлидаги муҳим ташаббусга айланди.

Марказда йўлга қўйилган янги хизматлар икки йўналишни ўз ичига олади. Биринчи йўналиш — 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган алоҳида таълим эҳтиёжига эга болалар учун шанба ва якшанба кунлари ташкил этилган “Қараб туриш хизмати”дир. Шу орқали ота-оналар дам олиш кунлари шахсий ишлари билан хотиржам шуғулланиш имконига эга бўлмоқда.

Иккинчи йўналиш эса 2 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар учун кўрсатилаётган реабилитация хизматларини қамраб олади. Айниқса, ҳаракатланиш ва нутқида нуқсони бўлган болалар учун ташкил этилган машғулотлар уларнинг жисмоний фаоллиги, мулоқот кўникмалари ва ижтимоий мослашувини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги хизматларни йўлга қўйишдан кўзланган асосий мақсад — алоҳида эҳтиёжли болалар учун сифатли таълим ва реабилитация муҳитини янада кенгайтириш, шунингдек, уларнинг оилаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

Кўпчилик КЎНГИЛЛИЛАР КЎМАГИДАН БАҲРАМАНД

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ

Бухоро шаҳридаги “Янгиобод” маҳалласида айни пайтда 6 334 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 151 нафари ногиронлиги бўлган шахс, 3 нафари ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кекса ҳисобланади.

Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

Маҳалла ижтимоий ходими Мадинабону Ниғматова ташаббуси билан ташкил этилган кўнгиллилар гуруҳи ана шундай фуқароларни қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этмоқда. Уларнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришда кўмаклашяпти.

Хусусан, кўнгиллилар гуруҳи маҳаллада истиқомат қилувчи ёлғиз кекса, ногиронлиги бўлган Нигора Ботирова хонадонида бўлиб, унинг уй-жойини тартибга келтириш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширди. Нигора бувига шу кунга қадар ижтимоий ходим бир қатор амалий ёрдамлар кўрсатиб келяпти. Жумладан, у ёлғиз яшовчи кексалар рўйхатига киритилган, “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида хизматлар билан қамраб олинган. Шунингдек, бепул дори-дармон билан таъминланган.



“Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko‘zgusi” журнали таҳририяти жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими


Ҳафиза ЖИЕНБАЕВАнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига таъзия билдиради.



Солиқ қўмитаси ХАРИД ЧЕКЛАРИНИ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ШАКЛДА КЎРИШ имкониятини яратди.



Қодирберди Юсупов ва Гулноз Заирбекова “ЧЕКНИ ТАЛАБ ҚИЛИНГ — АВТОМОБИЛЬ ЮТИНГ!” ютуқли чек ўйинининг биринчи ғолибларига айланди.




Солиқ қўмитасига етти ойда 13 мингдан ортиқ киши СОЛИҚЛАРГА ОИД ТУШУНТИРИШЛАР БЕРИШНИ СЎРАБ мурожаат қилди.

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”



ЎЗАРО МУЛОҚОТДАН ИШОНЧ МУСТАҲКАМЛАНДИ, ТУШУМ ОРТДИ, РАҚАМЛАР ЯНГИЛАНДИ



Яқинда зиммамга яна бир нечта маҳаллада ишлаш масъулияти юклатилди. Унга қадар “Эржар” ва “Ипак йўли” маҳаллалари билан ишлаб келаётган эдим. Бу икки маҳалла намунавий ҳудудлар сирасига киради, шу билан бирга, солиқ тушумлари борасида ҳам ўзига хос тажриба мактаби яратилган.

Жамшид КАТТАБЕКОВ, Мирзачўл туманидаги “Эржар”, “Янгидала”, “Ипак йўли”, “Гулзор”, “Ўзбекистон”, “Пахтазор” маҳаллалари солиқ инспектори.

Солиқ инспекторининг маҳалладаги иши фақат қарздорликни аниқлаш ёки режа бажарилишини назорат қилишдан иборат эмас. Ҳар бир хонадон, ҳар бир солиқ тўловчининг ўз шароити, ўз муаммоси бор. Шунинг учун баъзан бир фуқаронинг “Солиқни тўлашим керак, лекин ҳисоб-китобини тушунмаяпман”, деган гапи ҳам кунлик ишимизнинг муҳим қисмига айланади.

...Бир куни маҳалладаги хонадонлардан бирининг эгаси мурожаат қилди. У мол-мулк ва ер солиғи бўйича қарзи борлигини биларди, аммо ҳисобланган сумма нимадан келиб чиққанини тушунмасди. “Солиқни тўламай қочиб юрганим йўқ, фақат қанча ва нима учун тўлашимни аниқ билсам, ўз вақтида тўлардим”, деди у. Бундай вазиятда фуқарога фақат “қарзингиз бор, тўланг”, дейиш осон. Аммо масалани тушунтириш ва одамга қулай ечим топиш — ишнинг муҳим жиҳати. Шу боис унинг солиқ мажбуриятларини қайта кўриб чиқдик, ҳисоб-китобларини тушунтирдик, мавжуд маълумотларни аниқлаштирдик. Фуқаро ҳам ўз мажбуриятини англаб, солиқни белгиланган тартибда тўлаш чорасини кўрди.

Менимча, маҳаллада солиқ маданиятини шакллантириш айнан шундай оддий мулоқотлардан бошланади. Одам солиқ нима учун ҳисобланаётганини, тўлаган маблағи қаерга хизмат қилишини тушунса, муносабат ҳам ўзгаради.

Олиб борилган тарғибот ва тушунтириш ишлари натижаси ҳам буни кўрсатди. “Эржар” ва “Ипак йўли” маҳаллаларида жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиқлари бўйича белгиланган режалар ортиғи билан бажарилди.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Рақамлар сўзлаганда, натижа янада аниқ кўринади. Икки маҳаллада мол-мулк солиғи бўйича режа 66,3 миллион сўм этиб белгиланган бўлса, амалда 67,2 миллион сўм, яъни 101 фоиз тушум таъминланди. Ер солиғи бўйича эса 141,8 миллион сўмлик режа ўрнига 170,1 миллион сўм тушум тушиб, кўрсаткич 120 фоизни ташкил этди. Умуман, икки маҳаллада жами 279,5 миллион сўм тушум таъминланиб, белгиланган режа 124 фоизга бажарилди. Мен бу кўрсаткични фақат солиқ хизмати ходимларининг натижаси, деб эмас, аввало, фуқароларнинг юксак фуқаролик масъулияти натижаси, деб биламан.

Энди зиммамга янги маҳаллаларда ишлаш вазифаси юклатилди. Янги ҳудуд — янги одамлар, янги муаммолар ва янги иш услубини талаб қилади. Лекин бир нарса ўзгармайди: фуқаро билан мулоқот қилиш, унинг муаммосини эшитиш ва солиқ мажбуриятини тушунтириш орқали ишлаш.

Энди шу ишончни янги маҳаллаларда ҳам давом эттириш, солиқ тўловчилар билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш ва барқарор ютуқларга эришишга ҳаракат қиламиз. Чунки яхши натижа, аввало, яхши мулоқотдан бошланади. Рақамлар эса шу меҳнатнинг самарасини кўрсатади.

ИМКОНИЯТ

“БИР КУНЛИК ЭМАС, доимий даромад излагандим...”

Аёл бошим билан кўп ишларни қилиб кўрдим, аммо аксарияти ўхшамади. Сотувчилик қилдим, уйда пиширик тайёрлаб сотдим. Лекин оилага ёрдам берадиган, доимий даромад келтирадиган иш топиш осон бўлмади...



Муҳаббат УМРЗОҚОВА. Янгиариқ туманидаги “Қўшлоқ” маҳалласи.

Аммо бу сафар бошқа саволлар пайдо бўлди: даромадимни қандай расмийлаштираман, қайси солиқларни тўлайман, тадбиркор сифатида қандай имкониятлардан фойдаланишим мумкин?

Уйда рўзғор, фарзандлар харажати бор. Шунинг учун бир куни “Ўзим яхши биладиган ишни қилай”, деб ошхонада сомса, патир тайёрлаб, маҳалладагиларга сота бошладим. Аввалига кунига ўн-ўн бешта сомса буюртма қиладиган одам чиқса, шунга хурсанд бўлардим. Кейин қўни-қўшнилар бир-бирига айтиб, буюртмалар кўпайди. Туғилган кун, эҳсон, оилавий йиғинлар учун патир, сомса ва секин-аста ширинликлар тайёрлаб бера бошладим. Иш юришгани сари оддий уй буюртмасидан кичик тадбиркорликка ўтиш кераклигини тушундим.

Бунга жавоб олиш учун маҳалламиздаги солиқ инспекторига мурожаат қилдим. Ходим ишни қандай қонуний тартибда йўлга қўйишим мумкинлигини бирма-бир тушунтирди. Айниқса, даромад ва харажатларни ҳисоблаб боришим кераклигини айтгани менга фойда берди.

Ҳозир ойига ўртача 10-12 миллион сўмлик маҳсулот сотаман. Харажатларимни чиқарганимдан кейин 2,5-3,5 миллион сўм атрофида соф фойда қоладди. Буюртма кўпайган ойлар бундан ҳам яхшироқ натижа бўлади. Илгари топганимни уй-рўзғорга зўрға етказган бўлсам, бугун ўз меҳнатим билан оиламга қўшимча даромад олиб киряпман. Энг муҳими, энди ишимнинг қаердан келиб, қаерга кетаётганини биламан.

Бир пайтлар “Қўлимдан нима келади?” деб иш қидириб юрган эдим. Бугун эса “Буюртмаларни қандай кўпайтираман, яна кимни ишга олсам бўлади?”, деб ўйлаяпман. Менимча, тадбиркорликнинг ўзи ҳам шундан бошланади — катта жой ёки катта пулдан эмас, одам ўз қўлидаги ҳунарнинг қадрига етиб, уни даромад манбаига айлантириши керак.

ТАҲЛИЛ

СУД ҚАРОРИ ЧИҚДИ, АММО ҚАРЗ НЕГА ЯНА ОШИБ БОРЯПТИ?

Банкдан қарз олдингиз, иш судгача борди. Суд қарори чиқди ва сиздан ундириладиган аниқ сумма белгиланди. Сиз: “Энди қарзим миқдори ошмайди, секин-аста тўлайман”, деб хотиржам бўласиз. Лекин шошилманг! Аслида, қарзингиз ошишда давом этаётган бўлиши мумкин. Хўш, қонун нима дейди ва амалиётда қандай “тузоқ”лар бор?

Отабек БАКИРОВ, иқтисодчи.



Фуқаролик кодексининг 744-моддасига киритилган муҳим ўзгартиришга кўра, агар суд кредитни ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарса, ўша санадан бошлаб кредит бўйича фоиз ва пеня (“неустойка”) ҳисобланиши тўхтатилиши шарт. Бу — қонуний талаб! Бироқ нега банклар бу қоидани бажаришга шошилмайди?

Сабаби оддий — бу банк учун молиявий йўқотиш бўлиши мумкин. Банк сизга берган пулни ўзи ҳам ҳаводан олмайди: у маблағни аҳоли омонатлари ёки бошқа молиявий ресурслар ҳисобидан шакллантиради ва бу ресурслар учун ўзи ҳам фоиз тўлайди. Суд сиздан фоиз ундиришни тўхтатса ҳам, банк ўзи жалб қилган маблағлар бўйича харажатларини давом эттиради. Шу сабабли, банк учун фоиз ҳисоблашни тўхтатиш манфаатли эмас.


Қизиқ томони шундаки, туман ёки вилоятдаги банк филиали ходимларида компьютерда битта тугмани босиб, фоиз ҳисобланишини тўхтатиш ваколати (“доступ”) бўлмаслиги мумкин. Тизим шундай қурилган бўлиши мумкин: ҳудудий филиал Тошкентдаги бош офисга “Фалончи мижоз бўйича суд қарори чиқди, фоиз ҳисобланишини тўхтатинг”, деган мазмунда хат юборади. Бош офисдагилар эса бу маълумотни кўриб чиқиб, тегишли ўзгартиришни тизимга киритиши лозим.

Айнан шу занжирда “инсон омили” ишга тушади. Агар ҳудудий филиалдаги ходим хат юборишни унутиб қўйса ёки уни кечиктирса, дастур тўғридан-тўғри қарзингизга фоиз қўшиб бораверишни мумкин. Масалан, тадбиркор Акмал банкдан кредит олди. Ишлари юришмай, масала судгача борди. Суд 1 февраль куни Акмалдан жами 100 миллион сўм ундириш ҳақида қарор чиқарди. Қонун бўйича 1 февралдан бошлаб, кредит бўйича фоиз ва пеня ҳисобланиши тўхтатилиши керак. Лекин банк филиали бош офисга хатни 1 апрелда юборди, дейлик. Тизим эса бу икки ой давомида ҳам фоиз ҳисоблайверди. Натижада Акмал 100 миллион сўм тўлайман, деб юрган бир пайтда банк унга: “Узр, тизим ҳисоблабди, яна 5 миллион сўм фоиз қарзингиз бор”, деб туриб олиши мумкин.

Кузатувларга кўра, **10 нафар қарздордан фақат 2 нафари ўз ҳуқуқини билиб,** “Суд қарори бор, фоизни олиб ташланг”, деб талаб қилади. Қолган 8 киши эса масаланинг ҳуқуқий жиҳатни билмагани учун ортиқча пул тўлаб юраверади. Банклар эса бу “сукут”дан ютади.

Ҳар бир банк бу масалани ўзича “ёпди-ёпди” қилиб қўймаслиги керак. Бу — нотўғри ёндашув. Марказий банк аралашиб, ягона автоматлаштирилган тизим яратиши жоиз. Суд қарори электрон базага кирдими, тамом, банк дастури ўша заҳоти, инсон аралашувисиз, фоиз ҳисобланишини тўхтатиши керак.

Акс ҳолда, қонун билан берилган ҳуқуқни амалга ошириш учун фуқаро банкнинг ички бюрократик жараёнлари ортидан югуришга мажбур бўлади. Энг ёмони, бу жараёнда ўз ҳаққини билмаган одам ортиқча маблағ тўлаб қўйиши мумкин.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

ТАВСИЯ

АЙРИМ ХАРИДЛАРДА 12 ФОИЗЛИК КЕШБЭК БОР

Бозорга чиқдингиз, гўшт, тухум ёки ёғ олдингиз. Чекни олиб, сумкангизга солиб қўйдингиз ёки умуман эътибор бермадингиз. Аслида, ўша чек сизга қўшимча пул қайтиши учун имконият бўлиши мумкинлигини билармидингиз?



Жисмоний шахсларга харидлар учун одатдаги 1 фоизлик кешбэк белгиланган бўлса, Ижтимоий реестрга киритилган фуқаролар 12 фоизлик ижтимоий кешбэк олишлари мумкин. Хўш, булар қайси маҳсулотлар? Ижтимоий кешбэк қўй, мол ва парранда гўшти, тухум, ўсимлик ёғи, шакар, дори воситалари ва тиббий хизматлар учун берилади.

Бунинг учун, аввало, “Солиқ” мобиль иловасини юклаб олиб, харид чекидаги QR-кодни сканер қилиш керак. Ижтимоий кешбэк ҳисобланган суммани иловадаги “Кешбэк ва имтиёзлар” бўлимидан кузатиб бориш мумкин.

Лекин бир муҳим жиҳат бор: кешбэк берилиши учун харидор Ижтимоий реестрда туриши, харид қилинган маҳсулот имтиёзли рўйхатга киритилган ва тадбиркор ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтган бўлиши керак.



Ички ишлар вазирлиги Шахсий хавфсизлик бош бошқармаси билан тўғридан-тўғри боғланиш учун “@iiv_shxbb_bot” МАХСУС ТЕЛЕГРАММ БОТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ.



2026 йилнинг иккинчи чораги сарҳисобига кўра, жами 5 778 ТА (64 ФОИЗ) МАҲАЛЛАДА жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.



Криминология тадқиқот институти МАҲАЛЛАЛАРДА КРИМИНОЛОГИК МЕТОДИКАЛАРНИ ТАЖРИБА-СИНОВДАН ЎТКАЗИШ тартибини ишлаб чиқди.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

“ҲЕЧ БИР ЖИНОЯТ МАРКАЗЛАШГАН НАЗОРАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ”



...Тунги соат икки. Маҳалла кўчалари аллақачон сукунатга чўмган, ҳамма ўз уйида хотиржам ухлаяпти. Бироқ менинг хизмат хонамда чироқ ўчмайди. Нигоҳим қаршимдаги экранларда. Улар орқали кўп қаватли уйлар атрофидаги шубҳали ҳаракатни пайқаб қолдим. Нотаниш кимса атрофга аланглаб, ер кавлаш билан овора эди. Тажрибамдан билдимки, бу оддий ўткинчи эмас, балки маҳаллага яширинча гиёҳванд моддалар жойлаштиришга келган кимса. Зудлик билан воқеа жойига етиб бордик ва гумонланувчини ашёвий далиллар билан қўлга олдик...

Ғанишер ҲАСАНОВ, Янгиҳаёт туманидаги “Олчазор” маҳалласи профилактика инспектори.

2021 йилдан буён профилактика инспектори бўлиб хизмат қилиб келаман. Ҳудудимизнинг 75 фоизи тўлиқ кузатув камералари билан қамраб олинган. Улар тўғридан-тўғри менинг хизмат хонамдаги экранларга уланган. Марказлашган назорат иш самарадорлигини мутлақо янги босқичга олиб чиқди. Яъни, хизмат хонамда ўтирган ҳолда маҳалланинг исталган нуқтасини кузатиш, шубҳали шахслар пайдо бўлиши билан вазиятни назоратга олиш имкониятига эгаман.

Натижада ҳуқуқбузарликлар содир этилаётган сониялардаёқ воқеа жойига етиб бориб, жиноятнинг олдини барвақт оляпмиз. Мана шундай рақамлаштириш боис маҳалламизда жиноятчилик кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан 40-50 фоизга камайди. “Қизил” тоифадаги маҳалла бугунга келиб, жиноятчиликдан холи ҳудудга айланди. Йил бошидан бери бирорта ҳуқуқбузарлик қайд этилмади.



Бу натижага бир ўзим эришдим, десам хато бўлади. Чунки хавфсиз ҳудуд яратиш ёлғиз инспекторнинг елкасидаги иш эмас. “Еттилик” жипслиги барча ютуқлар омилидир. Қолаверса, Миллий гвардия, патруль-пост хизмати ходимлари билан ҳамкорликда ҳаракат қиляпмиз.

Масалан, оилавий келишмовчиликлар ёки маиший муаммолар бўйича келиб тушадиган ҳар бир мурожаатни “еттилик” аъзолари биргаликда жойига чиқиб ўрганамиз. Муаммоларни қўшма хулоса ва қарорлар асосида тизимли равишда ҳал этяпмиз. Республика миқёсида ўтказилаётган “Хавфсиз ва соғлом юрт” ойлиги доирасида туну кун халқ хизматидамиз.

Фаолиятим фақатгина қонунбузарларни ушлаш билан чекланмаган. Маҳалладошларимнинг тинчлиги ва қулай яшаши учун ҳар қандай вазиятга масъулман. Мисол учун, ички йўлларда қутилмаган тирбандлик юзага келиб қолса, инспекторлар етиб келгунига қадар, ҳаракат хавфсизлигини тартибга соламан. Бош мақсад — ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик, одамлар ишончини қозонишдир.

ТАҲЛИЛ

“АҚЛЛИ МАҲАЛЛА” АФЗАЛЛИГИ ҚОҒОЗДАГИ ҲИСОБОТДА ЭМАС, ҲАЁТДАГИ НАТИЖАДА АКС ЭТАЁТИР

Тасаввур қилинг, кечки пайт кўп қаватли уйингиз йўлагидан ўтаётиб, шахси номаълум, шубҳали ёки маст кимсага дуч келдингиз. У сизга таҳдид қила бошлади. Ёнингизда телефон йўқ, атрофда ҳеч ким кўринмайди. Илгари бундай вазиятда фақат бақириб ёрдам сўраш ёки фожиани кутишдан бошқа чора қолмасди.



Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Бугун эса кичик бир қурилма — “ташвиш тугмаси” сиз билан хавфсизлик ходимлари ўртасидаги беминнат кўприкка айланди. Хўш, ҳақиқатдан ҳам, бу замонавий ускуналар белгиланганидек ишлаяптими, инсонлар ҳаётини ҳимоя қила оляптими? Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида Урганч шаҳрида ҳаётий тажриба (эксперимент) ўтказиб кўрилди.

Кўп қаватли уйлардан бирининг йўлагига ўрнатилганига уч ойдан ошган “ташвиш тугмаси” олдига келиб, соат миллари ропа-роса 09:30 ни кўрсатганда тугма босилди. Маълумки, қонунчиликда тезкор ходимларнинг чақирув жойига етиб келиши учун белгиланган энг юқори вақт меъёри 10 дақиқа ҳисобланади. Тугма босилиб, товуш чиқиши билан Қўриқлаш хизматининг махсус гуруҳи ҳаракатга тушди. Кутиш узоқ давом этмади. Ропа-роса 4 дақиқаю 40 сония ўтгач, қуролланган ва тўлиқ шайланган тезкор ходимлар воқеа жойига етиб келишди. Бу ҳеч қандай олдиндан саҳналаштирилган томоша ёки машғулот эмас, балки рақамли тизимнинг туну кун, соз ва сергак ишлаётганининг амалий исботи бўлди.

— Хоразмда “Ақлли маҳалла” ва “Хавфсиз ҳудуд” тизимлари бугун шунчаки техник восита эмас, балки жиноятчиликка қарши курашнинг энг самарали қуролига айланди, ***— Хоразм вилояти ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш хизмати ахборот гуруҳи бош мутахассиси, Нодирбек Болтабоев.*** *— Аҳоли маҳаллаларда ёки уй йўлакларида хавф сезганда, ушбу тугмалар орқали зудлик билан ёрдам чақирмоқда. Тезкор ходимлар бундай чақирувлар орқали маҳалла ва кўчалардаги турли бемақсад бақир-чақирлар, жанжаллар ҳамда ҳуқуқбузарликлар, оиладаги келишмовчиликлар ва хотин-қизларга нисбатан маиший зўравонликлар, жамоат тартибини бузувчи, аҳоли осойишталигига раҳна солувчи шахсларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солмоқда. Ҳар қандай шубҳали ёки хавфли ҳолатда тугма босилгач, хабар сониялар ичида тўғридан-тўғри марказий штабга боради ва ўша ҳудудга энг яқин бўлган патруль экипажи йўналтирилади. Мисол учун, биргина “Олимпия” маҳалласига 71 та ташвиш ва 5 та “SOS” тугмаси ўрнатилган бўлиб, бунинг натижасида жиноятчилик икки баробарга камайди.*

Шаҳар бўйича расмий таҳлилларга назар солсак, маиший низолар ва кўча безорилиги оқибатида келиб чиқадиган оғир тан жароҳати етказиш ёки қонунбузарликлар деярли қолмади. Ҳуқуқбузарлар ўз жазосини ўша сониядаёқ олишини англаб етмоқда. Бу эса жиноят содир этишга мойил инсонларни фикридан қайтармоқда.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



ТАКЛИФ

Девордаги яширин ХАВФ...

Кўча-кўйда, маҳаллалар деворида пайдо бўлиб қолаётган тушунарсиз телеграмм манзилларига кўзингиз тушгандир? Афсуски, бу шунчаки ёшларнинг эрмаги эмас. Балки аср вабосининг рақамли кўринишидир...



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Яқинда бир танишимнинг бошидан ўтган кўргиликни эшитиб, ёқа ушладим. Ҳамма ҳавас қиладиган, намунали талаба йигит тўсатдан одамови бўлиб, ўқишини ташлаб қўйди. Сўраб-суриштирилса, яширин ботлар орқали “кучли таъсир қилувчи” дориларга ўрганиб қолган экан. Бир оиланинг чироғи шундоқ кўз ўнгимизда ўчди...

“Наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар тўғрисида”ги янги қонун лойиҳаси интернетдаги “оғуфурушлар”га зарба бўлди, дейиш мумкин.



Унга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фақат кўчадаги оддий сотувчини эмас, телеграмдаги яширин ботлар, сайтлар ва “наркола-боратория”ларнинг илдизини қуритиш бўйича кенг ваколатга эга бўлади. Наркотик савдоси орқали келган пулларни ювишда қатнашган компания ва фирмалар суд қарори билан бутунлай тугатилади.

Агар атрофингизда шундай ноқонуний иш бўлаётгани ҳақида айтиб берсангиз, шахсингиз сир тутилади.

Муаммони илдизи билан йўқотиш учун қонун кучайгани яхши, албатта. Лекин, энг катта назоратчи, бу — ўзимиз. Шу боис ҳар биримиз фарзандимиз телефонда ким билан гаплашяпти, чўнтагида ёки хонасида қандай номаълум дорилар бор — огоҳ бўлайлик! Уларнинг интернетдаги қизиқишларини яқиндан кузатайлик. Маҳалладошлар ва фаоллар бирлашиб, уйлар деворига чизилган ҳар қандай шубҳали ҳаволаларни ўша заҳоти ўчириб ташлашни тизимли йўлга қўйиш зарур.

Таълим муассасаларида қуруқ мажлисбозлик эмас, балки аноним сўровномалар ва психологлар иштирокида аниқ хавф-хатарларни тушунтирувчи очиқ давра суҳбатлари кўпайтирилиши керак.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 359 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-820